

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ШАРҚНИНГ АЛЛОМА САНЪАТКОРИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ШАРҚНИНГ АЛЛОМА САНЪАТКОРИ

*Садриддин Айний таваллудининг 130 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2008

78.342

Ш 27

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

Н.Алаутдинова

Мухаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

Шарқнинг аллома санъаткори: Садриддин Айний таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова; Мухаррир О.Қиличбоев.- Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.- б

КБК 78.342+ 83.3 (0) 9

Ушбу методик-библиографик қўлланма XIX асрнинг сўнгги чорагида туғилиб, XX асрнинг ўрталарига қадар яшаб ижод этган, ўзбек ва тожик адабиётлари тараққиётига муайян ҳисса қўшган зуллисонайн ёзувчи Садриддин Айний таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан тузилди. Қўлланмада Садриддин Айнийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар шунингдек кутубхоналар, АКМ ва АРМларда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми ва адабиётлар рўйхати берилган. Қўлланмадан мутахассислар ва Айнийнинг ижодига қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.**

Сўз боши

Садриддин Айний XX асрнинг буюк ва такрорланмас ёзувчисидир. Унинг ҳаёт ва ижод йўли XIX асрнинг охириги чораги ва XX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва адабий жараёнларнинг ғоятда мураккаб ва долғали ўзанида кечди. Йигирма йилга яқин мадраса таълимини олган, амирлик тузумининг ҳамда кейинги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ичидан билган, баъзан қатағонликлар ва камситишларга учраган бу улкан адиб ўз асарларида халқ ҳаётини бутун мураккабликлари билан бадиий тасвирлаш орқали тарих ва даврни ўзига хос бирлаштириб, XX асрнинг аввалида шакллана бошлаган янги адабиётнинг асосчиларидан бири, йирик адабий сиймо сифатида бўй кўрсата олди.

Садриддин Айний ҳаётлигидаёқ Ғарб ва Шарқ мамлакатларида танилган ҳамда чехиялик доктор Иржи Бечка, олмониялик доктор Манфред Лоренц, эронлик профессор Сайид Нафисий, афғонистонлик адиб Сарвари Гўё, россиялик профессор Александр Болдыревлар ҳам, машҳур дарғаларимиз Ғафур Ғулом, Ойбек, Комил Яшин, Мирзо Турсунзода ва Зулфияхонимлар ҳам устод Айний деб ардоқлаган ва эътироф этган улуғ сиймо эди. Вафотидан кейин (1954) бу сиймонинг эътибори, қолдирган илмий-адабий меросининг кадр-қиймати янада кўркамроқ ва салмоқлироқ тарзда кадрлана бошлади. 1962 йили Осиё ва Африка ёзувчиларининг Қоҳирада ўтказилган анжуманида устод Айний ҳиндистонлик Робиндранат Тагор, хитойлик Лу Син, қоҳиралик Тоҳо Ҳусайн қаторида Шарқнинг мумтоз адиби деб эълон қилинди. 1978 йилда эса устод Айний таваллудининг 100 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан кенг нишонланди. Мустақиллик даврида Ватанимизнинг улкан мукофоти – “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

XX аср адабиёти ва илмининг ардоқли сиймоларидан бири бўлган устод Айнийнинг олижаноб шахсий фазилати, бой илмий-адабий мероси мумтоз адабиёт ва маданият тарихини синчиклаб холисона ўрганишда, XXI аср кишиларини, келажаги порлоқ Ўзбекистоннинг баркамол ёшларини ватанпарварлик,

халқсеварлик ва фидойилик, халоллик пок эътиқодлилик руҳида тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшадиган умрбоқий маънавий-илмий бойлигимиздир.

Кутубхоналар, АКМ ва АРМ мутахассислари Садриддин Айнийнинг бой ижодий ва илмий меросини кенг китобхонлар орасида тарғиб қилишда турли оммавий тадбирларни ўтказишлари мумкин.

Тадбирга адабиётшунослар, журналистлар, тарихчилар, нодавлат ва нотажорат ташкилотлари вакиллари жалб этиш тавсия этилади.

Айний абадияти

Дунёга машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов бундан ўттиз беш йил муқаддам босилган “Икки санъаткор” номли мақоласида “Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нодир ҳодисадир”, деб ёзган эди. Мана шундан буён кечган вақт мобайнида дунёда кўп ўзгаришлар – ижтимоий, сиёсий, маънавий эврилишлар содир бўлди. Ўзининг куч-қудрати ва имкониятларига ҳаддан ташқари ишонган муаззам бир империя – шўро салтанати ҳам парчаланиб кетди. Адабиёт ва санъат учун бундан ортиқ, бундан муросасизроқ синовни тасаввур қилиш қийин, албатта. Чунки фақат шўро мафкурасига таянган, ўзини шўро тузумининг тарғиботчиси деб билган адабиётнинг ҳам умри тугади. Айни пайтда, қайси тузум, қандай мураккаб даврда кун кечиришидан қатъи назар, буюк истеъдодлар қаламига мансуб асарлар яшашда давом этавериши мумкинлиги яна бир қарра тарихий тасдиғини топди. Ўзбек ва тожик халқининг донишманд фарзанди, шу икки қондош ва жондош халқ адабиётининг дунёга доврў таратишига улкан ҳисса қўшган улуғ адиб Садриддин Айний ҳам худди ана шундай умри боқий асарлар яратган санъаткорлардандир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Садриддин Айний вақт ўтган сайин ижодиётининг кадр-қиммати ортиб, теранлик сирлари кенгрок, чуқуррок кашф этиладиган қалам соҳибларидан саналади. Оллоҳ устод Айнийга бир неча яхши олим, сермаҳсул ёзувчига

етадиган истеъдод берган. Айний яратган илмий тадқиқотларнинг ҳажмига тенг асарлар ёзиш, эҳтимолки, икки-уч заҳматкаш олимнинг қўлидан келар. Аммо бу асарларнинг Айний тадқиқотлари сифат ва савияси билан беллаша олишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими”, “Эсдалиқлар” китоби манадан деган улуғ бир истеъдоднинг шон-шуҳратини жаҳонга таратиш ва муаллифига бадиий ҳайкал ўлароқ боқий яшаш қудратига эга, деса асло хато бўлмайди. Бунга аниқ ишонмоқ учун эса ушбу икки нодир китобнинг жаҳоннинг қайси халқлари тилларига таржима қилинганлигини хаёлдан ўтказиш кифоя.

Айнийнинг илмий-ижодий меросини адабиёт, тарих, педагогика ёки адабиётшунослик нуқтаи назаридангина эмас, балки тилшунослик жиҳатидан ҳам баҳолаш лозим бўлади. Тожикистонда нашр этилган Айний куллийетининг 12-жилдидан у тузган тожик адабий тилининг луғати ўрин олган.

Чоп этилиши арафасида луғатни кўздан кечирган машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс 1939 йилнинг баҳорида Айнийга йўллаган мактубида мана нима деган эди: “...Мен сизнинг “Тожик адабий тилининг луғати” негизни, яъни янги шоҳ асарингизнинг айрим қисмларини ўқиб чиқдим. Бемалол айтишим мумкинки, Сиздан бошқа ҳеч бир киши бундай ишнинг уддасидан чиқа олмасди...”

Айнийнинг улуғлиги ҳам, тенгсизлиги ҳам ана шунда – у бошқа бировлар уддалай олишига ақл бовар қилмайдиган ишларни қойиллатиб бажаришга қодир билим ва салоҳият соҳиби эди. Айний илм ва ижод учун туғилганлигини билар, шунинг учун бутун куч-қуввати, меҳнат қобилятини илм-фан, адабиёт равнақиға бағишлаганди.

Айний ҳақида сўзлаганда бир ҳақиқатни асло унутмаслик ва доимо инобатга олиш лозим: Айний Бухоро фарзанди. У Шарқнинг энг қадимий, энг мўътабар илм-фан марказларидан бири бўлган Бухорода, яъни шариф бир ўлкада туғилиб, камолга эришган. Айнийнинг бош муҳофизи, бош мураббийси ва муршиди комили Бухородир. Шунинг учун ҳам у жон ипи ва виждон амри ила Бухорога боғланган. Айний яшаган даврларда

Бухорода ижтимоий-маданий ҳаётда турғунлик ҳукмронлик қиларди. Одамлар иқтисодий йўқсиллик, фикрий қолоқлик ва руҳий тушқунликка маҳкум этилганди. Илмсизлик, жаҳолат ва мутеликдан туғилган фожеаларни санаб адоғига етиб бўлмасди. Шафқатсиз ҳаётнинг кулфат ва қийинчиликлари, кундалик турмуш машаққатлари билан болалигидаёқ юзма-юз келган Айний маънан жуда эрта улғайганди. Унинг иродаси ғам-андух, ҳасрат ва армон, қашшоқлик ва ночорлик панжасида тобланган, деса асло хато бўлмайди. Инсоф билан айтганда, Айний босиб ўтган ҳаёт йўли – матонат ва қаҳрамонлик йўли. У шундай қалтис ва таҳликали ҳолатларни бошдан ўтказганки, Оллоҳ инояти ва Бухоро мададсиз улардан кутулиш ёхуд омон қолишга ақл асло бовар этмайди. Айний буларнинг барчасини асарларида, хусусан, “Эсдаликлар”ида ақл ва тадбир, илм ва ироданинг куч-қувватига ишонган шахснинг қисматида учраши мумкин бўлган ҳодиса ўлароқ тасвирлаб беради. Чунки Айний Бухоронинг кулфат ва мусибатлари бир томчи ҳам эмаслигини билар, уни ўлим таъқиб этган чоғларда ҳам азиз Бухоросининг меҳр ва шафқатидан умид узмас, шу боисдан ҳам тушқунликка борилмасди. Таниқли тожик адиби Жалол Иқромий ҳаққоний таъкидлаганидек, “Айнийнинг Бухорога ошиқи беқарор юраги унинг учун ачинар, нажот истарди. Айний Бухоронинг дарду жафоларига қалбан шерик, чинакам ватанпарвари эди”. Ана шу ошиқлик ҳисси, ватанпарварлик бурчи ва ҳамдардлик ҳоли донишманд Айнийни охирги нафасгача тарк қилмаганди. Агар Садриддин Айнийнинг кўнглини Бухоро ишқи, Бухоро илм-маърифатининг нури чароғон этмаганида, агар у ҳам Ибн Сино, Аҳмад Дониш ёки Абдурауф Фитратларга ўхшаб ориф Бухоронинг қондош ва жондош муҳибига айланмаганида, шак-шубҳасизки, у мўрт бир адабий шахсият билан ўртамиёначилик чегарасидан бир одим ҳам нари ўтолмасди. Ҳолбуки, Айний дунё диққат-эътиборини Бухоро ва бухороликлар қисматига қарата олди. Тўғри, Айний тасвирларидаги Бухоро ва бухороликлар ҳаёти ўқувчи дилини кўпроқ қувонч ва шодликка эмас, фожеа ва қайғуга ошно этади, уни бир-биридан ёқимсиз воқеа-ҳодисотлар билан юзлаштиради. Ҳақиқат билан учрашганда

одам қанча қийналса, муҳокама-мулоҳазаларида нечоғлик фаоллашиб, эзгулик ва инсонийлик шарафига қанчалик инонса, Айний асарларини ўқиганда ҳам тахминан худди шу зайлда қийналиш, фаоллашиш ва ишонч ҳосил бўлади.

Айнийнинг услуби содда, лекин жонли, фавқулодда самимий ва безаксиздир. У ҳеч бир асарида ўзи кўрмаган, билмаган ёки моҳиятига етмаган нарсани китобхонга кўрсатиб, уни ишонтиришга уринмаган. Унинг учун бадиий талқин, бошдан-охир табиий, ҳаққоний ҳар қанақа адабий ясамаликдан йироқ талқин ҳисобланган. Айнийнинг ижодий шахсияти – ҳавас қилиш ва ибрат олишга арзирли шахсият. Унда асардан-асарга ҳақиқат ҳисси ўткирлашиб, донишмандлик заковати теранлашган.

Дарҳақиқат, устод Айний Шарқ мумтоз адабиётининг бекиёс билимдони бўлган. Унинг илмда – адиб ва мутафаккир, бадиий ижодда олим ва муаррихлиги доимо назарга ташланиб туради. Бу камёб фазилат, ҳаммага ҳам насиб бўлавермайдиган фазилатдир. Айнийнинг дунёқараши, адабий шахсияти, ғоявий-эстетик тушунча ва ҳаётий идеаллари бевосита Шарқ оғзаки ва ёзма адабиёти, Шарқ маданияти ва маънавияти асосида шаклланиб, камол топган. Шунинг учун Айний ҳақида гапирганда ўз-ўзидан Рудакий ёки Ибн Сино, Саъдий ёки Навоий, Бедил ёхуд Аҳмад Дониш сингари улуғларни эслаш, уларнинг ахлокий-фалсафий нуқтаи назарлари билан муштарак бир тарзда мулоҳаза юритиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Айнийнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятида шеърга муҳаббат ва шоирликка қизиқиш муҳим ўрин тутди. У шеър, шоир ва адабиётга ихлосманд бир оилада туғилган. Адибнинг отаси ўз даврининг очиқ фикрли анча ҳақгуй кишиси бўлиши билан бир қаторда, илм ва адабиётнинг қадрини ҳам билган. У ўз фикрларининг тасдиқ ва исботи учун гоҳ шеър, гоҳ мақол ва маталлардан фойдаланган.

Айний ўн ёшларга етмасданок Ҳофиз, Бедил, Соиб шеърлари билан танишган. “Ўн ёшимда мактабни тугатдим, – деб ёзади адиб “Қисқача таржимаи ҳолим” асарида, – Бироқ ҳали саводсиз

эдим, мактабда ўқитганларини ўқий олсам, аввалдан ўзимга таниш бўлмаган бошқа нарсаларни ўқий олмас эдим.

Аммо шеърларни севар эдим. Уларнинг мазмунига яхши тушунмасам ҳам, оҳанги мени завқлантирарди. Баъзи шеърларни ёдлашга тиришар эдим. Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Соиб, Навоий ва Фузулий каби шоирларни “вали”, яратган шеърларини каромат деб ҳисоблар эдим”.

Албатта, валилик фазилатларига соҳиб бўлмаган одам Ҳофиз, Навоий, Фузулий ёки Бедил кўтарилган шоирлик мақомига кўтарила олмайди. Ҳақиқий шеър каромат бўлмаса-да, кашф ва илҳом маҳсули. Ёш Садриддин буларни эмас, “вали” бўлмаган каромат кўрсатолмайди, демакки шеър ёзолмайди деб ўйлайди. Бир воқеа муносабати билан отасидан эшитган гаплар унинг шоирлик хусусидаги хулосасини тубдан ўзгартириб юборган.

Айнийнинг ёзишича, Бухоро мадрасаларидан бирида дарс берувчи ва Исо тахаллуси билан шеърлар ёзган Исо Махдум уларнинг қишлоғига меҳмон бўлиб келади. Новча, озгин, сийрак соқолига оқ оралаган, эгнида оқ сурп яқтак, бошида кичик салла қўндирилган бу кишини масжидга яқин бўлган ўз ҳовлиларидан отаси Садриддинга кўрсатиб: “Ҳозир мадрасадан бир киши чиқиб, хужрага томон йўл олади, сен уни яхшилаб кўриб ол. У акангнинг домласи бўлади. Шоир, жуда яхши шеърлари бор”, – дейди. Ва пешин намозидан қайтгач, унинг шеърларини ўқиб беришга ваъда беради. Саидмуродхўжа намоздан қайтиб келиб, ўғлига Исонинг қачонгача бекорликдан муздай қотиб ўлмоқ, ҳеч бўлмаганда қўлингдаги варақларни тўплаб, бир китобча қил мазмунидаги:

То ба кай зи бекори
Ба фурсати мурдан,
Нусхае бакаф дори
Жамъ созу ажзо кун.

сатрларни қайта-қайта ўқиб, яна бундай дейди: “Донишмандлар кишиларни меҳнат қилишга чақирадилар, улар бекорчиликни ўлим билан тенглаштирадилар. Бошқа муллалар бўлса, ўзлари молу дунёга ботиб кетган бўлишларига қарамай,

кишиларга “тарки дунё қилинг!” дейдилар... Шундан кейин отам уй тоқчасидан Соиб ғазаллари ёзилган, бир неча варақни олиб, ундан бу матлаъни ўқиб берди:

Ба дўши таваккул манех бори худро,
Валинеъмат хеш кун кори худро.

(Мазмуни: Ўз юкингни таваккул кўрагига ташлама. Ўз ишингни ўзинг учун валинеъмат айла!) ва деди:

– Кўраяпсанми, улуғ кишилар бир-бирлари билан қанчалик ҳамфикрдурлар. Бундан 250 йил муқаддам ўтган Бобо Соиб (отам исфаҳонлик Соибни ҳурмат юзасидан “Бобо Соиб” дер эди) билан бизга замондош бўлган Исо бир мазмунда сўзлайдилар”.

Эътибор беринг: ота фарзандининг шеърни севиши, ўзича шоирликка ҳаваси борлигини билади. Ўғли ҳали бирор бир шоирнинг тирик қиёфасини кўрмаганлиги учун уни масжид чорбоғи ўртасидаги девор устига кўтариб қўйиб, Исо махдумни унга кўрсатади. Сўнг унга унинг шеърлар тўпламини таништириб, ғазалларидан мақбул санаган байтларни ўқиб беради. Аммо у шу билан қаноатланмайди. Исо байтларининг мазмунига асосланиб, меҳнатнинг фойдаси ва бекорчиликнинг ўлим билан тенг эканлигини донолик ила боласига тушунтиради. Ва дунёпараст муллоларнинг мунофиқликлари, халқни тарки дунё қилишга ундовчи сафсаталарини қоралайди. Шундан кейин олис ўтмишда яшаб ижод этган бошқа бир шоирнинг қачонлардир ўзи кўчириб қўйган ғазалларидан бирининг матласини ўқиб, Садриддинни улуғ кишилар бир-бирлари билан ҳамфикр бўлишларига ишонтиради.

Ушбу суҳбат “менинг адабий фаолиятимга катта таъсир этди. Аввалгидан кўра кўпроқ шеър ўқиш ва шеър ёдлаш билан шуғулландим...”, – дейди Айний. Дарҳақиқат, отаси Айнийнинг биринчи устози, адабиёт, ҳаёт, инсон тақдирига доир қарашларининг тўғри ва чуқур шаклланишида ўғлига у жуда катта таъсир ўтказган эди. Саидмуродхўжа вабо чангалида жон таслим этаркан, ўғлига дейди: “Ўқи, ҳар қандай қийинчилик бўлса ҳам ўқи, одам бўл! Лекин қози, раис ва имом бўлма! Мударрис бўлсанг, майли!”.

Булар падари бузрукворидан Айний эшитган ва ўқиган болалик хотирасида нақшланиб қолган сўнгги сўзлар эди. Эҳтимол, шу васият иқтисодий аҳвол ва шароитнинг беҳад танглигига қарамай, Айнийнинг Бухорога бориб, мадраса ҳаётининг барча машаққатларини енгишига куч бағишлагандир. Эҳтимол, шу васият боис Айний на қозилик, на имомлик ва на биқиқ муллолик кўчаларига қайрилиб ҳам боқмагандир.

Хуллас, Айний 14-15 ёшларидан бошлаб шеър ёзиш билан жиддий машғул бўла бошлайди. Дастлаб Сифлий, Муҳтожий, Жунуний тахаллуслари билан шеърлар битади. “Эсдалиқлар”да бу тахаллусларнинг танланиш сабаблари ва улардан кўзланган мақсадни шарҳларкан, Айний, жумладан шундай дейди: “Ёшлигимда бошимга тушган оғир турмуш таъсирида мен асабий бўлиб қолгандим, тирикчиликдан кўп сиқилардим. Баъзи танҳолик кечалари ўтган замон шоирларининг марсиянамо шеърларини ўқиб, юрагимни бўшатиш учун йиғлардим. Одамлар менинг бу хусусиятимни пайқаб, қобил бола, аммо бироз девоналиги бор, дер эдилар. Мен ҳам элнинг шу фикрига мойил бўлиб, девона маъносида “Жунуний” сўзини тахаллус қилишга қарор қилдим”.

Айнийнинг Муҳтожий ва Жунуний тахаллуси билан ёзилган шеърларидан намуна сақланиб қолмаган. Сифлий тахаллусидаги шеърларидан эса бир ғазал ва Ҳозиқ ғазалига битилган мухаммас сақланган. “Сифлийи бечорам, сар то по қардам ғалат” “Сифлийи бечораман, бошдин то, оёққача хато қилдим”, деган надомат ила тугалланган ғазалда ҳам, мухаммасда ҳам шоир ўзининг ниҳоятда қайғули, маҳзун танҳолик ҳолини тасвирлайди. Умуман, Айний илк машқларидан бошлаб, шеърнинг ҳаётий асосга эга бўлишига, нурсиз, шарафсиз ва бўғиқ бир муҳит қафасида сиқилган, азобу изтиробга маҳкум этилган шахс кайфияти ва ҳолатларини акс эттиришга алоҳида эътибор берган. Шунинг учун унинг анъанавий мавзу, шакл ва услубда ёзилган шеърларида ҳам реалистик моҳиятнинг устунлиги доимо аниқ сезилиб туради.

Шаби танҳойи, дили ман хун шуд,
Дили ман хун шуд, шаби танҳойи.

Дили шайдойи ба кужо гум шуд?

Ба кужо гум шуд дили шайдойи?

(Мазмуни: Танҳолик тунда менинг дилим қон бўлди, менинг дилим қон бўлди, танҳолик кечасида. Шайдо юрак қаёнга ғойиб бўлди? Қаёнга ғойиб бўлди у шайдо юрак?) каби мисралар эса бевосита шоирнииг ҳасби ҳолини шеърхонга жуда аниқ изоҳлаб беради.

Айний шеърят – дардан, ғамдан, армондан қайноғланган шеърят. Айний бошданок шеърни назирабозлик, сунъий ялтироклик, шахсиятсизлик панжасидан халос айлашга интилган ва бунга муваффақият ила эришиб ҳам билган. Унинг нуқтаи назарига кўра “Ҳақиқий шеър ўқувчи ва эшитувчига чуқур ҳаяжон бағишламоғи шарт. Бунга эришмоқ учун эса шоир самимиятга асосланиши ва ўз шахсиятини ўша “айтгани”да зухурлантира билиши керак”.

Айнийнинг ўзи ҳам шеърятда худди шу усулда иш юритган ва насрда ҳам уни давом эттирган. Бундан ташқари, унинг турли жанрларда яратилган шеърлари билан пухта танишган киши Айнийнинг насрдаги истеъдоди айнан шеърятда куртақланганлигига асло шубҳа қилмайди.

“Мен ўз умримда кўплаб китоб ёздим, – деган эди Айний, – буларнинг ҳаммаси бир мавзуга бағишланган бўлиб, ўз ҳаётим материаллари асосида юзага келди”. Айнийнинг реалистлиги, ҳақиқатга содиқлиги, характер яратишда ўзига хосликка эришиш маҳорати ҳам аввало мана шунда. Шунинг учун адибнинг бирор бир асарини унинг ҳаёт тажрибалари, адабий шахсияти, воқеликка эстетик муносабатидан айри тарзда тасаввур этиб бўлмайди. Ҳатто, “Судхўрнинг ўлими” қиссасидан ҳам ёзувчи образи муҳим ўрин эгаллаган. Тўғри, Айний кейинчалик қаттиқ ишонган, қисса ва романларида кенг кўламда тасвирланган ёки идеаллаштирилган ғоя ва ҳақиқатларга иштибоҳ билан қараш, улардан айримларини бугун бемалол инкор ҳам этиш мумкин. Лекин шу жойдаёқ асосий масалага тўқнаш келинади-ки, бу улуғ адиб ижодиётининг тарихий-фалсафий қиммати ва умуминсоний моҳиятидир. Мана, “Қуллар”ни олайлик. Оддий меҳнаткаш халқнинг қарийб бир асрлик машаққатли ҳаётдан

ҳикоя қилувчи бу романда октябрь тўнтаришигача бўлган давр ва шароит тарихий ҳақиқатларга мувофиқ манзараларда кўрсатиб берилган.

Қарийб юз эллик йилдан зиёдроқ муддат ҳукм юритган манғит амирлари салтанатининг кейинги вакиллари Бухоро халқи учун нима қилди? Улар бир-бирларидан қай жиҳат ва қайси хусусиятлари билан фарқланганлар? Ёки фарқланмаганлар? Илм-фан, маданият ва маънавият нечун айнан ўша манғит амирлари даврида бутунлай таназзулга юз тутди? Зулм ва зўравонлик, таҳқир ва ҳуқуқсизлик қафасида яшаган омма адолат ва озодлик ҳисларини қандоқ бой беради? Кўркув ва мутелик тантана қилган шароитда илм аҳли ва адабиёт вакиллари қандай майдакашлик ёхуд найрангбозликлар билан жон сақлашади?

Бу ва бунга ўхшаш ўнлаб саволларга Айний ўзининг қисса ва романларида шунчалик аниқ, шунчалик ёрқин жавоб берганки, бундан кўз юмиш кўрлик билан баробардир. Айний қиссаларида шахс онгидаги ўзгариш, алоҳида бир шахсниинг ҳурликка интилиши, демак-ки, ўзлигини англаш жараёнини моҳирлик билан қандоқ бадиий талқин қилса, шу гоёни романларида хилма-хил ижтимоий гуруҳга мансуб турли нуқтаи назар ва ахлоқий-диний тушунчаларга таяниб кун кечирувчи халқ образи орқали ифодалашда яна ҳам юқорироқ ютуқларга эришган. Айний яратган инқилобий ва инқилобчи қаҳрамонларга келсак, балки улар ўз умрларини яшаб бўлишгандир. Балки уларни ёвуз ва сохта бир мафқуранинг қурбонлари дейиш керакдир. Нима бўлмасин ва нима дейилмасин, бунинг учун Айнийни айблаш, зўравон тузум, бешафқат ва муросасиз бир сиёсат талабларини унутиб, айбни биргина ёзувчининг ўзига тўнкаш ғирт инсофсизлик бўлурди. Бошқа бирор бир нарса ёзмасдан, ёлғиз “Эсдаликлар”ни ёзганда ҳам Айний – Айний бўлиб қоларди.

Айнийнинг ҳаёти, адабий ва илмий фаолиятига бағишлаб қатор тадқиқотлар яратган йирик шарқшунос олим И.С.Брагинскийнинг эътирофи бўйича, “Эсдаликлар” Айнийнинг ўлими олтидан ёзган шоҳ асаридир.

“Эсдаликлар” – Айнийнинг умр ва хотира китоби. Уни тақдирлар қомуси деса ҳам асло хато бўлмайди. Бундоқ қараганда, ушбу асарда ҳам ғам-ғусса, мусибат, кулфат кўп, зулмат жуда қуюқ – гуё бошдан-охир фожеа тамойили ҳокимлик қилади. Уни мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи Айнийни ғирт фожеанавис адиб деб билади. Асарнинг баъзи қисмлари: “Нахотки, шу воқеалар рост бўлса? Нахотки, шундай бўлиши мумкин? Совет давлати ҳада этган “бахт ва озодлик”ни шарафлаш учун ўтмиш давр суврати атайин қора бўёқларда чизилмаганми?” – деган саволлар пайдо қилади.

“Эсдаликлар” айблашнимас, англашни ўргатади, тарихий мушоҳада бир ёқламаликка ён бермаслика ундайди. “Эсдаликлар” моҳият эътибори ила шундай бир қудратли китобки, у бундан кейин ҳам миллатни ичдан кемирадиган, халқнинг яхлит, қудратли халқ бўлишига тўсиқлик қиладиган ижтимоий, сиёсий, диний ва ахлоқий иллат ҳамда фожеаларнинг туб илдизларига диққатни қаратишда давом этаверади.

Энди икки оғиз гап устод Айнийнинг олимлиги ҳақида. Айнийнинг бадий услуби билан илмий услуби ўртасида қандайдир яқинлик, умумий бир ўхшашлик бор. Шунинг учун бўлса керак, унинг илмий асарларида ҳам тил жонли, енгил, ифода равон, бошни гангитувчи оғир ёки китобий жумлаларга дуч келинмайди. Масалан, Сиз Айнийнинг “Манғит амирлари тарихи” китобини ўқидингиз дейлик, илмий асар мутолаа қилдингизми ёки бадий асарми – буни унча фарқламайсиз. Чунки Айний факт ва далил танлашдагина эмас, талқин, таҳлил ва фикр-мулоҳаза ифодасида ҳам жуда моҳирдир.

Шарқ классиклари илмий-адабий меросини ўқиб-ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилишда Айний эришган натижа ва ютуқларга фақат ҳавас қилиш, улардан фақат ибрат олиш мумкин. Аммо Айнийнинг “панжасига панжа уриш” беҳад душвор. Шунинг учун ҳам унинг Рудакий, Ибн Сино, Саъдий, Навоий, Бедил каби даҳоларга бағишланган тадқиқотлари шу кунгача ўзининг илмий қиммати ва аҳамиятини сақлаб келмоқда. Биз бу ўрнида устоз Айнийнинг фақат бедилшунослигига дахлдор айрим бир мулоҳазаларга эътиборни қаратмоқчимиз. Маълумки, Айний

мадрасада таҳсил олаётган даврларда Бухорода улуғ файласуф шоир Мирзо Бедил ижодиётига қизиқиш анча кучайган эди. Турли ижтимоий табақадаги дид ва савияси турлича бўлган кишилар бедилхонлик қилишган. Шоирлар Бедилга эргашиб назира ва тахмислар битишган. Айний бу жараённинг ҳам кузатувчиси, ҳам иштирокчиси бўлган. У Бедилга кўр-кўрона тақлид қилишларни истикболсиз бир ижодий ҳаракат ўлароқ рад этган. Чунки Айний мадрасадаёқ зукко бедилшунос сифатида шаклланган. Ушбу даъвони тасдиқлайдиган муҳим бир далилга тўхталсак.

Минг тўққиз юз ўнинчи йили Уфада чоп этиладиган “Шўро” журналида “Мирзо Бедил ҳақида” номли бир мақола босилиб чиқади. Журналда ўша муаллифнинг Бедилга бағишланган янада кенг ва каттароқ мақоласи босилиши хусусида хабар ҳам берилади. Лекин Бухорода Садриддин Айний билан мадрасада бирга ўқиган Олимжон Идрисий деган туркиялик бу тадқиқотчи Бедилнинг таржимаи ҳолини ёритишда хатоликларга йўл қўйганлигини англайди. Шундан сўнг у Садриддин Айнийдан ёрдам истаб, Истанбулдан Бухорога мактуб йўллайди. Айний Олимжон Идрисийнинг истагини адо айлаб, Бедилнинг таржимаи ҳоли, асарлари хусусида анча батафсил маълумот берувчи бир мактуб ёзиб, Истанбулга жўнатади. Форсийда битилган ушбу мактубни туркийга таржима қилиб, “Шўро” журналига юборган Идрисий дейди: “6-адад “Шўро”да Бедилнинг таржимаи ҳолини мухтасар бир суратда ёзғоч, Бухородаги шеригим Садриддин Айний афандига хат ёзуб, бу ҳақида муфассал маълумот сўрадим. 1911 сана 3 мартда жавоб ҳам олдим эса-да, бир чўк сабабларга кўра бу вақтга қадар таржима этуб юбора олмадим”.

Хуллас, “Шўро” журналининг 1912 йил иккинчи сонидан Идрисийнинг мақоласи эмас, балки унинг таржимасидаги Айнийнинг ўша мактуби мақола шаклида босилиб чиқади ва ушбу мактуб-мақола кейинчалик тожик олимлари М. Шукуров, Жўра Боқизода томонидан икки тилда эълон этилгандир.

Асосий нарса шундаки Айний Истанбулга йўллаган мактубида Мирзо Бедил таржимаи ҳоли, муҳити, фалсафаси,

услуги хусусида айтилиши зарур бўлган барча муҳим гапларни баён этган. Шунингдек, хижрий 1199 йили Бомбайда чикқан ва 12 қисмдан таркиб топган Бедил “Куллиёти”даги асарларнинг ҳажмини ҳам бирма-бир қайд қилиб ўтган.

Бизнинг назаримизда, “Шўро” журналида босилган Айнийнинг мана бу фикрлари унинг Бедил шахсиятига эҳтиромини англаш ва изоҳлашга яқиндан ёрдам беради. “Мирзо Бедил бой қалб соҳиби, олижаноб бир зот бўлиб, ағниё ва умаро эшигига ҳеч яқинлашмас, билъакс, улар Мирзонинг ҳузурига келурлар ва уни таъзиму тақрим этардилар”.

Нуфуз ва иқтидор соҳиби бўлган амалдорлардан бириси Мирзога бир мактуб юбориб уйига даъват этгани замон у:

Дунё агар диҳанд, нахезам зи жои хеш,
Ман бастаам ҳинои қанот ба пои хеш.

(Мазмуни: Агар менга дунё қадар молу мулк берсалар ҳам, ўрнимдан қимирламайман, чунки мен оёғимга қаноат ҳиносини боғладим, шунинг учун тўраларга ва бойларга хушомад этишга эҳтиёжим йўқ) байти билан жавоб қайтаради. Агар ана шу нуқтаи назардан Айнийнинг ижодкорлик эътиқоди ва шахсиятига баҳо бериладиган бўлса, унинг Бухоро амири Аҳадхон тузоғига тушмаслик учун дадил йўл излашлари Бедил сабоқларига содиқлик эканлигини ҳам эътироф этиш керак бўлади.

Мирзо Бедил куллиётини қайта-қайта варақлаш, файласуф шоирнинг инсон тақдири, умр мазмуни, тириклик ва ўлим тортишувлари, олам, одам ва Оллоҳ бирлигига доир фикрларини такрор-такрор муҳокама ва мушоҳададан ўтказиш Айнийнинг мароқли машғулотларидан бўлган. Ҳатто у ҳаётининг анча оғир ва қийноқли фурсатларида Бедил шеърларини ўқиб юпанган, ўзича улардан тасалли топган. Айний ўша вақтлар дунё ишларидан безган кишилар тилида дoston бўлиб юрган Бедилнинг қуйидаги байти кўнглига тасалли бағишлаганлигини эътироф этган:

Зиндаги бар гардан афтодаст, Бедил, чора чист?
Шод бояд зистан, ношод бояд зистан.

Мазмуни: Тириклик тушди бошга, Бедил, энди не чора?
Шод бўлсанг ҳам, ношод бўлсанг ҳам яшаш керак, албатта.

Бедил асарларининг тили жуда оғир, ифодалари мураккаб, маъно қатламларини очиш бағоят қийин. Буни файласуф шоирнинг ўзи ҳам билган. У бир шеърида бежиз:

Маънии баланди ман фаҳми тунд мехоҳад,

Сайри фикрам осон нест, кўхаму кўтал дорам, –

демаган. Айний ана шу юксак маъниларни кашф айлай оладиган ирфон соҳиби эди. Бедил фикр-туйғуларининг моҳиятини анча осон мушоҳада қилиб, таҳлил ва талқинда тахминбозликка эрк бермасди.

Айнийнинг “Шўро” журналида босилган мақоласидан “Бедил” монографияси чиққанигача бўлган вақт қирқ йилдан ортади. Ана шу муддат оралиғида устоз Айний Бедил яшаган давр ва замон, унинг шахси, адабий муҳити, ижодиётининг фалсафий-ахлоқий манбаларига тегишли деярли барча тарихий, илмий, адабий ва диний китобларни синчиклаб ўрганган, шуларга алоқадор маълумотларни шоирнинг ўз асарларидан ҳам териб олган. У 1946 ва 1947 йилларда “Шарқи сурх” журналида Бедилга бағишланган мақолаларини эълон қилган.

Охир-оқибатда эса унинг жаҳон бедилшунослигида янги саҳифа очган “Мирзо Абдулқодир Бедил” монографияси яралган. Бу ишни уддалаш осон эмасди, албатта. Шунинг учун ишнинг барча қийинчилик ва мураккабликларини инобатга олган Е.Э.Бертельс китобга ёзган муқаддимасида: “Камдан-кам одам бу ишнинг уддасидаи чиқа оларди, шунда ҳам Садриддин Айнийга ўхшаган ўз халқининг ўтмишдаги адабиётини, тилини ва шу тилда ёзилган барча адабиётини яхши билган забардаст устозгина бу ишни муваффақият билан ниҳоясига етказган бўлур эди”, дея Айнийнинг чиндан-да забардаст устозлигига тан берган эди. Албатта Айний Мирзо Бедилнинг мухташам ижодиётининг барча масала ва муаммоларини тўлиқ ҳал қилиб бергани йўқ. Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунга қарамаздан бир қанча адабиётшуносларнинг умумий эътирофларига кўра жаҳоннинг бирор бир ўлкасида Бедил ҳақида Айнийнинг китобига тенглаша оладиган, ундан мукамалроқ тадқиқот ҳали яратилганича йўқ

Ҳеч иккиланмасдан айтиш жоизки, Айний ижодиёти XX аср дунё адабиётининг энг нодир, энг эътиборли ва энг мазмундор

саҳифаларидан ҳисобланади. Айний бадиий ижодининг пойдевори илм, маърифат, тарих, ҳаёт ва ҳақиқатдир. Айний асарларини билиш кўҳна Шарқ тарихи, маданияти, мумтоз адабиёти ва миллий қадриятларини англашга йўл очади. Кейинги пайтларда юртимизда Айний ижодиётига қизиқишнинг пасайиши – бу бизнинг чинакам адабиётдан узоқлашаётганлигимиз, тарихий хотирага бефарқлигимиз, илм-маърифат завқининг сусайишига кўникаётганимиздан бир нишонандир. Ёшларимиз, айниқса, талабалар буни жиддий ўйлаб кўришлари керак. Чунки Айнийни четлаб, на Рудакий, ва Фирдавсийнинг, на Саъдий ва Ҳофизнинг, на Жомий ва Навоийнинг, на Бедил ва Донишнинг ижод оламига жадал кириб бориш мумкин. Айнийнинг илмий-адабий мероси ўтмиш, бугун ва келажакни бир-бирига боғловчи бир олтин ҳалқадир.

Айний инсон ва ижодкор

- Айнийнинг жами илми дониши, бутун борлиғи Бухородан келиб чиқади. Унинг ижод равнақи, гулшани ҳам Бухородан. Бухоро унга илму адаб ўргатди.

Жалол Иқромий

- Айний “Судхўрнинг ўлими” номли асарида Бухоро амирлиги давридаги воқеаларни тасвирлайди. Бу асарда ёзувчи бошқача жанрга мурожаат қилади. “Дохунда”, “Қуллар” ва “Етим” асарларидаги айрим воқеаларни тасвирлаганда учрайдиган юмор ва сатира элементлари “Судхўрнинг ўлими” повестида биринчи планга қўйилади. Бу асарда ёзувчи мукамал сатирик образлар яратади. Қори Ишкамба образи кўп жиҳатдан рус классик адабиёти образларини, Пушкин асаридаги Барон ёки Гоголь асаридаги Плюшкин образларини эслатади. Бу асарда адиб психологик тасвирнинг ажойиб намунасини кўрсатган.

Абдулла Қаҳҳор

- Садриддин Айний кўҳна-классик адабиётни яхши ва атрофлича билади. Унинг асарларида мағиз бор. Киши ўқиса зерикмайди, асарларини ўқиган сари кишини ўзига тортади.

Абдулла Қодирий

- Шарқ адабиётининг билимдони бу донишманд оғамизни кўрар эканмиз, ҳар қайсимиз унинг замондоши бўлганимиздек ғоят мамнун бўлардик, фахрланардик. Садриддин Айний ўзининг узлуксиз ва унумли меҳнати билан барчамизга ўрнак эди. Айний янги тожик адабиётининг асосчиси бўлиши шарафига эга бўлди ва шунинг ила барча замонавий ўзбек адабиёти тараққиётида ҳам катта мавқе эгаллади.

Ойбек

- Айний Шарқ маданиятини эгаллаган зўр билимдон, шарқ маданиятининг энг яхши томонларининг тарғиботчиси эди. Айни пайтда, у Ғарб маданиятини ҳам ўзлаштириб олишга улгурди.

Альфред Курелла

- Айний фақат Шарққа хос талант, Бухоро тупроғида туғилиши мумкин бўлган буюк истеъдод. Айний адиб ва инсон, мутафаккир аллома, курашчи ва мураббий сифатида халқ ҳаёти ва руҳиятининг тиниқ кўзгуси, халқ портретидир.

Очил Тоғоев

- Айнийнинг шеърлари, повесть, романлари, бир забардаст олим, академик сифатида ёзган илмий тадқиқот асарлари, хусусан ҳар икки оғайни халқ – тожик ва ўзбекларнинг адабиёт тарихларини, тарихий адабий бисотларини равшанлантириб беришда қилган хизматлари каттакон бир хазинадир.

Ғафур Ғулом

- ...Айний манераси жуда содда, сиртдан қараганда хотиржам, ошиқмайди. Аммо китобхон Шарқимизнинг кекса донишманди Айний қахрамонларида шунчалик ҳаққоний ғазаб, зўр эҳтирослар билан намоён бўлганини пайқайди. Халқни тарих тўлқинида кўрсатиш Садриддин Айнийнинг сеvimли ракурсидир. Халқ жуда содда ва ажойиб одамлар тимсолида берилади.

Айний золимлар, фанатиклар, қаллобларнинг эски дунёси, “Бухорои шариф” билан узил-кесил, шафқатсизлик билан ҳисоб-китоб қилди. Унинг айбномаларини рад этиб бўлмайди...

Айнийнинг ажойиб нарсалари – катта ва кичик асарлари кўп, мен китобхонларни унинг ғоят ажойиб сатирик повести –

“Судхўрнинг ўлими” билан танишиб чиқишга қизгин давъат этмоқчиман. Унда бениҳоя кучли ижтимоий заряд бор. Унда сатирикнинг Бухоро Гобсекини жуда яхши тасаввур этиш имконини берадиган улкан, буюк маҳоратини кўраимиз.

Чингиз Айтматов

Садриддин Айнийнинг “Қисқача таржимаи ҳолим” китобидан

Отам олдида менинг келаси йили Бухорога бориб ўқишим масаласи турар эди. У мендан сўради:

– Келаси йили Бухорога ўқишга борасанми?

– Юборсангиз, бораман.

– Мен бу йил ўқишингга қанча қўшимча пул сарфлаш кераклигини билмоқ учун сени Бухорога юбордим. Маълум бўлишича, ҳар ойда 5 тангадан кўпроқ сарфлаш керак экан. Бундан ташқари сенга китоб, ифтитоҳона (ўқиш бошланишида домлага ҳады тариқасида тўланадиган таълим ҳақи) ва кийимингни қишлоқий кийимдан дурустроқ қилиш керак, буларнинг ҳаммаси пул билан бўлади. Бу йилги синов иккалангизга, акангга ва сенга пул сарфлаш имкониятига эга эмаслигимни кўрсатди. Шунга кўра ўзинг ҳам бирор иш билан шуғулланиб, бир оз пул топишинг керак.

Мен таажубланиб:

– Мен нима иш қилиб пул топа оламан? – дедим

– Мен кўрсатаман, – деб отам ўрнидан турди ва супанинг нариги ёғида ёш ўрик дарахтлари ўтказилган ерни кўрсатиб айтди:

– Бу ерга қўш киритиб бўлмайди, дарахтларни нобуд қилади. Сенга бир кичик кетмон топиб бераман. Шу ерни шудгор қиласан, ошқовоқ экиб, сотасан. Қанчаки пул ишласанг, харажатинг учун Бухорога олиб кетасан.

Мен қабул қилдим. Кетмон ҳам тайёр бўлди. Ишни бошладим, ўн беш кунда ерни уч марта ағдардим, ҳар сафар ерни бир кетмон ағдарар эдим. Уч марта уч кетмон баравари ерни ағдардим, аралаштирдим.

Энди мола билан шудгорни текислаш керак эди, янги бир нарса ўйлаб топдим: эшикнинг бир тавақасидан мола ясадим. Бироқ, бу мола сих мола эмас эди ва сих молаларга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Ерни чопишда кесакларни кетмон билан майдалаган эдим. Молани катта чўпон итим Хайбарга қўшдим, мола устига чиқиб, уни итга судратар эдим. Ит бир икки айлангандан кейин мола судрашни ўрганиб қолдим. Ер тайёр бўлди, уруғни отам экиб берди. Отам айтганидек экинни ўзим ўтаб, суғориб турдим.

* * *

Вафотидан бир йил бурун отам мени Бухорога олиб бориб, мадраса ҳаёти билан танишиш ва келаси йили ўқишга тайёрланиш учун акамнинг олдида қолдирди. Ўша йили мен акам билан бирга бир ойдан кўпроқ мадрасада бўлдим. Бу бир ой ичида мен мадрасанинг дастлабки азобларини татиб кўрдим.

Ўша йили акам Мир Араб мадрасасининг бир хужрасида менга хуснихат ўргатган отамнинг қариндоши билан бирга турар эдим. Мен уларга учинчи киши бўлиб қўшилдим. Бу хужра мадрасанинг юқори қаватида бўлиб, жуда кенг, бироқ, ниҳоятда қоронғи эди. Шунга кўра, мадрасадагилар бу хужрани “девхона” деб атаган эдилар.

Бироқ, биз бу хужрада узоқ қолмадик. Қалин қор тушган қаҳратон қиш ўрталарида хужранинг эгаси бизни ҳайдаб чиқарди. Акам кўп ҳаракат қилиб Бухоронинг Бозорихўжа деган бозорбошидан бир боққол болохоначасини топди, у ерга кўчиб бордик.

Бизнинг бу иккинчи турар жойимиз жуда ёмон эди, болохона ёғочдан ишланган бўлиб, атрофи бошқа иморатга туташмаганлигидан жуда совуқ эди. Уйчанинг кичик бир эшиги бўлиб, дераза вазифасини ҳам ўтар эди, унинг катакларига ойна ўрнига қоғоз ёпиштирган эдик. Бироқ, совуқ кирмаслиги учун кундуз куни ҳам эшикчани ёпиб қўяр эдик, уй эса қоронғи гўрга ўхшаб қоларди.

* * *

Бу орада менинг Бухорога бориб ўқишимга имкон берувчи бир воқеа юз берди. Бувам ва бувим (она томонидан) сизларни

умримизнинг охирида кўриб қолмоқчимиз, укаларингни олиб кел деб хабар юборишди.

Укаларим билан эшак миниб қишлоғимиздан ўн олти километр нарида бўлган қишлоққа – уларнинг олдига бордик. Ўша куни кўшни қишлоққа акамнинг кичик домласи Бухородан меҳмон бўлиб келган экан. Меҳмонга хизмат қилиш учун акамни у ёққа чақиртириб олдилар. Келганимни эшитиб, мени ҳам хизматга чақириб олишди.

Мен бордим. Менга икки катта самоварни қайнатиб туриш вазифаси топширилди. Самовар бошида эканман, бўйи менга тенг ёш йигит меҳмонхонадан чиқиб менинг томонимга келди, бироқ, у менга қарамай эснади-да, ўзича ғурунглаб шундай деди:

– Қишлоқ кўнглимга тегди. Бу ерда лоақал байтбарак қиладиган бирор одам ҳам топилмайди.

– Байтбарак нима деган гап? – деб сўрадим.

У менга ажабланиб қарагандан кейин:

– Саводинг борми? – деб сўради.

– Оз-моз ўқий оламан.

– Ёддан байт биласанми?

– Бир неча байтни биламан.

– “Байтбарак” шундай ўйинки, – деди у бола, – мен бир байт ўқийман, сен жавоб беришда бош ҳарфи мен ўқиган байтнинг сўнгги ҳарфи билан бир бўлган бир байтни ўқийсан, ундан кейин мен бош ҳарфи сен ўқиган байтнинг сўнгги ҳарфи билан бир бўлган байтни ўқиб, сенга жавоб қайтараман. Мана шу тариха навбатма-навбат байт ўқиша берамиз. Кимки жавоб бера олмаса, ютқизган ҳисобланади.

– Бундай бўлса бошланг.

У бир байт ўқиди, мен жавоб бердим, у менга жавоб қайтарди, мен унга. Тахминан эллик-олтмиш байт айтишдик. Пировардида у “Ж” ҳарфида енгилди. “Ж” ҳарфини “Ж” (масалан “жўжа” тожикча ёзилиши “чўча” – тарж.) билан айтмоқчи бўлди. Мен унамадим. Жанжал бошланди. Жанжалимизнинг устига меҳмонхонадан бир кўзи кўр ўрта ёшли бир киши чиқиб қолди. У жанжални бир оз тинглади-да,

сўнг меҳмонхонага кириб борди. Бир оздан кейин мени меҳмонхонага чақиришди. Мен кирдим.

Тўрда 25-26 ёшлар чамасида соқол қўйган бир йигит ўтирарди. У бош меҳмон эди. Мен унга салом бердим.

– Сенинг гапинг ҳақ! – деди у менга ва чой қуйиб ўтирган акамга қараб давом этди, – бу болани ўқитиш учун шаҳарга олиб бориш керак. Қобилияти борга ўхшайди.

Акамнинг домласи бўлган уй эгаси ҳам унинг гапини қувватлаб:

– Албатта, олиб бориш керак, – деди.

Меҳмон Шарифжон Махдум деган Бухоронинг катталаридан бўлиб, унинг отаси Бухорода қозикалон ўтган экан. Унинг қобилиятимни тақдирлаши Бухорога бориб ўқиш фикримни қатъийлаштирди.

Меҳмонлар тарқалгандан сўнг мен Бухорога бориш масаласини акамнинг олдига қатъий қилиб қўйдим. Мулла Абдусалом ҳам менга ён босди: “Тирикчилик бир нав ўтар, худо подшодир” деди.

Охири укаларимни бувимга қолдириб, акам билан Бухорога бориб ўқишимга қарор қилишди.

* * *

Олимжон мадрасаси аслида мадраса учун қурилмаган бино бўлиб, Олимжон деган бир киши ўз ҳовлисини мадраса қилган экан. У ерда пасти-юқори қисми бўлиб жами ўнта хужра бор экан, бу хужралар тайёр уйларини девор олиб тўсиш билан қилинган экан. Мадрасанинг ичи тор ва хужралар бесўнақай эди.

Ҳиндистонлик ҳинд судхўрлари яшайдиган бир сарой мадрасага вақф сифатида қарар эди. Мадраса вақфидан фаррош қисматига ҳар ойда ўн танга тегарди.

Акам далага кетди, мен у турган хужрага кўчиб ўтдим, укам билан бирга яшай бошладим. Фаррошликнинг асосий хизмати у қадар оғир эмас эди. Менга ўхшаш меҳнатда эзилган бир йигит учун кичик мадрасани супуриш, қор ёққанда томини кураш оғирлик қилмас эди. Бироқ, фаррошликнинг қўшимча меҳнати

ғоят кўп бўлиб, бу дарс тайёрлашим ва адабиёт билан шуғулланишимга халақит берарди.

Ўн хужрадан бирида – мен, яна бирида – муаззин вақтинча турардик, қолган саккиз хужрада муллалар яшар эди, бу хужралар уларнинг хусусий мулки бўлиб, ўзлари сотиб олишган эди. Уларнинг барчаси бухороликлар бўлиб, ёзин-қишин мадрасада туришарди. Бири мен билан ҳамсабоқ эди, мен унга нисбатан тузук ўқирдим. Шунга кўра у менга иш буюрмасди, яна бири акамнинг шериги Мирсолих махдум бўлиб, у менга текинга иш буюрмасди, ҳатто хизматини қилмасам ҳам, менга доимо чой-нон берар ва кийим-кечак билан кўмаклашарди. Қолган 6 нафар киши менга шундай муомала қилишардики, гўё мен уларнинг қули эдим, ўтинларни ёриб берар эдим. Уларнинг ҳар қайсисининг ўз ҳовлиси ҳам бўлиб, ҳовлиларининг қорини кураш ва ўтин ёриш ишини ҳам менга буюришарди. Шунга қарамай, менга бирон пиёла чой ва бир бурда нон ҳам беришмасди.

Мадраса мутаваллиси саводсиз эди. Мутаваллилиги учун мадраса вақфининг ўндан бирини ўша оларди. У ўз ҳовлисида яшарди. Лекин ҳовлисида бирор оғир иш чиқиб қолса, чақириб олиб, мени ишлатарди. Ёзда мадраса вақфи бўлган сарой ремонт қилинди. Мутавалли мени чақириб олиб, усталар ишини назорат қилувчи саркор тайинлади. У харажатлар суммасини менга ёздирарди. Мен ўша ерда, Бухоронинг бошни мисдай қизитувчи иссиғида, лой-тупроқда икки ой ишладим. Бироқ, менга кўшимча (фаррошлик ҳақимга кўшимча) бирор пул ҳам тўламади.

Хужра эгалари, имом ва мадраса мударриси мутавалли ўғирлик қилмасин деб менга, яширин равишда харажатларни кузатиб туришни буюришди. Мен бу буйруқни бажариш учун бир мардикордан “сени қанчага баҳолаб олиб келди” деб сўрадим, у “ҳаммамиз – ўн кишини бир тангадан баҳолаб олиб келди” деди. Ваҳоланки, мутавалли харажатлар рўйхатида ўн мардикорни икки тангадан ишлатилди деб ёздирган эди.

Бироқ, мутаваллининг мардикорлари ичида айғоқчиси бор экан, у менинг яширин назорат қилиб юрганганимни сезиб

қолибди. Мутавалли мени бир бурчакка чақириб олиб: – Сен иморат ҳаражатини текшириш изидан юрма, бу иш сенга мадраса аҳолиси томонидан топширилганини биламан. Мен истасам сени бир куннинг ўзидаёқ фаррошлиқдан четлатаман ва у катталар бирон нарса қилолмайдилар.

Мен буни менга ҳомий бўлган Мирсолиҳ махдумга айтдим. У: – Мутавалли тўғри айтади. Сен унинг ишини текшириб юрма, кишиларнинг ўғрилигини мен билан сен бартараф қилолмаймиз. Ҳамма ўғри. Агар мутаваллининг ўғрилигини суриштириб юришни истаган ўша одамлардан бири иморатга бошлиқ қилиб қўйилса, мутаваллига қараганда ўн баравар ортиқ ўғрилик қилади, – деди.

Мен ҳам ҳаражатларни назорат қилиб юришдан воз кечдим. (Юқорида айтганимдек у саройда судхўр ҳиндилар туришарди).

Кутубхоналар, АКМ ва АРМларда ёзувчи, олим, жамоат арбоби Садриддин Айнийнинг ижодига бағишлаб ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми

**“Садриддин Айнийнинг ҳаёти ва ижоди”
номли викторина**

Ушбу викторинада 6-8 кишидан иборат 2 та команда иштирок этади. Ҳакамлар ҳайъати жавобларни баҳолаб берадилар. Жавоблар 2-5 балл билан баҳоланади. Жавобларнинг тўлиқ, аниқлиги ҳисобга олинади.

Ўйин шартлари саволлар, сахна кўринишидан иборат бўлиши мумкин. Сахна кўриниши учун 2 та команда аввалдан тайёрланиб келган бўлади. Унда Айний асарларидан парча намойиш этилади. Сахна кўриниши 10 дақиқадан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Ўйинни бошлашдан олдин қуръа ташланади. Кейинги саволлар ўйналганда жавобни биринчи бўлиб топган команда ўзининг эмблемасини кўтаради. Жавобни топиш учун 2 дақиқа вақт берилади.

Викторинанинг намунавий саволлари

1. Садриддин Айний қачон ва қандай оилада туғилган?

(Айний 1878 йилда Бухоро вилояти Гиждувон туманининг Соктаре қишлоғида маърифатли Сайидмуродхўжа оиласида дунёга келди. Сайидмуродхўжа мадрасада таҳсил кўрган билимли кишилардан бўлиб, деҳқончилик билан ҳам шуғуллансада, фарзандлари Муҳиддин, Садриддин ва Сирожиддинларнинг ўқимишли, саводли ва маърифатли бўлишларини истарди. Сайидмуродхўжа покиза эътиқодли, виждонли, ҳалол меҳнат билан яшагучи бўлганидан фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялаган эди).

2. Айний неча ёшидан ва қандай таҳаллуслар билан шеърлар ёза бошлаган?

(У 14-15 ёшларидан шеър ёзиши билан жиддий машғул бўла бошлайди. Дастлаб Сифлий, Муҳтожий, Жунуний таҳаллуслари билан шеърлар битади).

3. У қаерда таҳсил олган?

(У аввал эски мактабда, кейин Мир Араб, Олимхон, Бадалбек, Ҳожи Зоҳид, Қўқалдош мадрасаларида таҳсил олган).

4. Айний таҳаллуси қандай маънони англатади ва у нима сабаб билан барқарорлашиб қолган?

(Адиб Сифлий, Муҳтожий, Жунуний каби таҳаллуслар билан ижод қилган. Кейинчалик эса Айний таҳаллуси билан барқарор равишда ижодини давом эттирган. “Айний” таҳаллусининг барқарорлашиб қолиши сабаби ҳақида унинг ўзи шундай ёзади:

“Менинг шеър ёзишимни эшитиб, таҳаллусим ва унинг маъносини сўрай бошладилар. Бу сўроқлар менинг жонимга тегди. Шу мақсад билан лугат китобини варақлар эдим, кўзим “айн” сўзига тушди. Лугатда бу сўзнинг қирқ саккиз хил маъноси кўрсатилган эди. Энг муҳимлари, чунончи, шулар: 1) кўз; 2) булоқ; 3) офтоб ва яна бошқалар. Мен бу сўзнинг кўз ва булоқ маъноларига нисбат бериб ўзимга “Айний” таҳаллуси қабул этишига қарор қилдим. Шундан кейин кимки мендан таҳаллусимнинг маъносини сўраса: “Қирқ саккиз маъноси бор, лугатларни қидириб, ўзингиз топиб олинг!”-деб жавоб қайтарар эдим).

5. Садриддин Айний адабиётимизда Алишер Навоий бошлаб берган зуллисонайнлик анъаналарини давом эттирди дейилганда нимани тушунаси?

(Зуллисонайнлик анъанаси – икки тилда ижод қилишни англатади).

6. Саҳна кўриниши.

7. У яратган бадиий асарларни санаб беринг?

(Айний “Эски мактаб”, “Одина”, “Дохунда”, “Қуллар”, “Судхўрнинг ўлими”, “Бухоро жаллодлари” каби ҳикоя, қисса ва романлар яратган).

8. Айний 30-40 йилларда тинимсиз олиб борган изланишлари натижасида қандай асар яратди?

(У 30-40 йилларда “Алишер Навоий” номли монографиясини яратди. Ушбу асар Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейига муносиб совға бўлган эди. 1948 йили ушбу тадқиқот асосида Ленинград университетининг Илмий кенгаши Садриддин Айнийга филология фанлари доктори илмий даражасини берди).

9. Куйидаги фикрни ким билдирган

Бу санъаткор сиймонинг асарлари фақат тожик адабиёти гулшанинг зийнати бўлиб қолмай, балки ўзбек халқи адабиёти хазинасига ҳам дурдона бўлиб қўшилди.

Садриддин Айний моҳир адиб ва шоир бўлгани каби, тожик тилшуноси ва адабиётшуноси сифатида ҳам илму фанни таракқий эттириш йўлида қимматбаҳо асарлар яратди, тарихий воқеаларни ҳаққоний ва бадиий тарзда акс эттирди ва ўз ижоди билан тожик адабий тилининг соф, равон намунасини намоиш этди. Ҳозирги замоннинг ёшлари унинг маҳорати сирларини ўрганмоқдалар ва унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун илмий-адабий ишлар олиб бормоқдалар.

(Ғафур Ғулом)

10. Айнийнинг қайси қиссасини француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг “Гобсек” номли асарига ўхшатадилар?

(“Судхўрнинг ўлими” қиссаси).

11. Садриддин Айний журналист Ҳожимуин Шукруллаев билан қайси журналга асос солган?

(Бу нашр Самарқандда “Зарафшон” газетасига илова сифатида чиқарилган “Машираб” ҳажвий журналидир. “Машираб” ўз ҳажвини жаҳолат, қалоқлик ва бошқа иллатларга қарши қаратган).

12. Айнийнинг 1909 йилда Самарқандда нашр этилган ўқув қўлланмаси қандай сабаблар билан яратилган?

(Мадраса таълими тугагандан сўнг Садриддин Айнийнинг мударрислик фаолияти бошланади. Бу даврда ватанимиз ҳудудларида маърифатпарварлик тамойили, янги-усули савтияга асосланган ўқитиш мактаблари анча кучайди. Ана шундай янгича ўқитиш усулидаги мактабларнинг Самарқанддаги ташилотчиларидан бири Абдулқодир Шакурий эди. Мударрис домўлла Айний бундан хабардор бўлиб Самарқандга келади ҳамда Абдулқодир Шакурийнинг янги усул мактаби тажрибаларини ўрганади. Шундан сўнг Бухорода ҳам шундай мактаб очади. “Таҳзиб ус-сибён” (Ёшлар тарбияси) номли ўқув қўлланмасини ёзиб Самарқандда нашр эттиради).

13. Унинг қайси асари Францияда чоп этилган?

(“Эсдаликлар” 1957 йили машҳур француз ёзувчиси Луи Арагон таҳририда “Шарқ” номи билан Францияда босилиб чиққан. Ундаги мухтасар маълумотномада Айний Жек Лондон, Киплинг, Горький, Кнут Гамсун каби жаҳон адабиётининг улкан вакиллари билан бир сафга қўйилган).

14. Қуйидаги парча Айнийнинг қайси китобидан олинган?

Ҳеч қайси биримиз ҳам татар тилини билмас эдик. Газетада учрайдиган интернационал ва рус сўзларидан эса тамомила хабарсиз эдик. Абдулқодир маҳдум бўлса ҳаммасини сувдай биламан деб даъво қилар ва бизнинг тушунмаган ўринларимизни “изоҳлаб”, “тушунтириб” берар эди. У парламент сўзини шундай изоҳлаган эдики, эсимга тушса ҳали ҳам қулгим қистайди.

Мен ундан: – Парламент нима? – деб сўрадим.

– Ер юзининг қоқ ўртасида бир шаҳар бор, уни Париж дейдилар ва Парижнинг ўртасида бир бино бор, уни Парламент деб атайдилар. Парламентда ақлли ва қудратли кишилар

ўтиради, улар сўралган ҳар бир сиёсий масалага тўғри ва аниқ жавоб берадилар.

(“Қисқача таржимаи ҳолим” китобидан)

Китобхонлар конференцияси

Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” ҳажвий қиссаси бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш методикаси

Мазкур қисса бўйича китобхонлар конференцияси ўтказиш катта тайёргарлик ишларини талаб этади. Конференцияга тайёргарлик 1 ой олдин бошланади. Кутубхонада эълон ёзилади. Меҳмонларга таклифномалар юборилади. Эълон берилади. Конференция учун аудитория тайёрланади. Айнийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўргазмаси ташкил қилинади. Конференцияни кутубхоначи ёки фаол китобхонлардан бири олиб бориши мумкин. Асар ҳақида китобхонлар билан яқка тартибда ёки гуруҳ тарзида суҳбатлар ўтказилади. Шунингдек, улардан конференция пайтида фаол иштирок этишлари, асар ҳақидаги ўз мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Конференцияни бошқарувчи олиб боради. Конференцияда сўзга чиққанлар асар ҳақидаги ўз фикрларини билдирадилар. Конференцияда иштирок этаётганлар қиссани муҳокама қилишлари, бошқарувчи уларни баҳс-мунозарага чорлаши керак. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки конференцияда мутахассислар сўзга чиқмайдилар, унда фақат китобхонлар чиқиш қиладилар.

“Судхўрнинг ўлими” қиссаси ҳақида

Инсоният тарихи икки қутбнинг тўқнашувидан иборат: кундуз билан кеча, сув билан олов, оқ билан қора... Сахийлик билан ҳасислик ҳам ана шу силсиладаги абадий зиддият. Сахийликнинг намоён бўлиши майдонлари кўп бўлганидек, ҳасисликнинг шакл ва навлари ҳам ғоят хилма-хил. Шулардан бири очқўзлик. Садриддин Айний ўз қиссасида инсон руҳининг қутбларидан бири ҳасислик ва зикналикдек жирканч ҳодиса табиатини Қори Ишкамба образи орқали бадиий тадқиқ этган.

Адиб ушбу қиссани яратишдан анча аввал – 1921 йили “Бир ҳийлагар шайхнинг қилмиши” деган мақолани эълон қилган. Бу мақолада айтилишича, большевиклар “Бухоро инқилоби” содир этилган кунларда шайхдан амирлик унга совға қилган моллар рўйхатини беришни талаб қилганлар. Эшон ушбу рўйхат ёзилган қоғозни нон орасига жойлаб, шу заҳоти чайнай бошлаганда унинг қорни шу даражада қаттиқ оғриганки, бунга чидай олмаган эшон қорнини пичоқ билан чавақлаб ташлаган. Аёнки, бу нажот йўли эмас эди: хасис эшон... ўлган. Аммо, у амирликдан олган совға саломларини большевиклар қўлига қўш қўллаб тутқазганида ҳам тирик қолмаган бўларди: большевиклар қанчадан-қанча бойларни аввал хонавайрон қилди, кейин ўзларини отиб ташлаганлар. Лекин Садриддин Айний масаланинг бу тарафига эътиборини қаратмай, балки инсоният жамиятидаги хасисликдек хунук бир ҳодисани фош этишни ўзига мақсад қилиб олган.

Ҳаётда шундай кишилар учрайдики, улар учун мол-мулк, пул, олтиндан қимматли нарса йўқ. Пул, олтин улар учун ягона худодир. Афсуски, кейинги йилларда худди шундай кишилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар ўзларидаги пулсеварлик, хасислик, очкўзлик, юлғичликни жамиятнинг бозор иқтисодиёти сиёсатига ўтганлиги, инсоннинг хусусий мулкка бўлган қонуний ҳуқуқи билан асосламоқчи бўладилар. Аммо, нафақат ўзидаги, балки бошқалардаги гўзал инсоний фазилатларни ҳам барбод этиш ва манфий хислатларни ўстиришни ҳеч қачон ва ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Хасислик, зикналик, очкўзлик бундан кейин ҳам кишилар табиатидаги энг жирканч иллатлардан бири бўлиб қолади.

Ўзбек адабиётида Қори Ишқамбанинг “қариндош-уруғлари” оз эмас. Ғафур Ғулломнинг “Шум бола” қиссасида ҳам, Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романида ҳам хасис образлар ёрқин ҳажвий бўёқлар билан яратилган. Аммо Қори Ишқамба образигина, адабий тип даражасига эришган десак, янглишмаган бўламиз.

Садриддин Айний янги, капиталистик иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлиши туфайли ижобий ўзгаришлар

билан бирга, жамиятнинг маънавий ҳаётида нохуш ҳолатларнинг ҳам пайдо бўлганини ўз кўзи билан кўрди. Хасислик кишиларнинг руҳий ҳаётига оид ёмон хусусиятдан жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий иллатга айлана бошлаганини сизди. У хасис образини идрок этишда давом этиб, уни эшонлар оламидан XX асрнинг 10-йилларида тарқала бошлаган судхўрлар муҳитига кўчирди. Бу билан у кишилик жамияти тараққиёти қонуниятларини билувчи ва ҳис этувчи адиб эканини намойиш этди.

Айний қаҳрамонининг номи аслида – Қори Исмат, лекин очофат бўлгани учун баъзилар уни “Қори Исмати Ишкам”, баъзилар “Қори Исмати Ишкамба”, бошқа бирлар эса қисқартириб, “Қори Ишкамба”, яъни “Қорин қори” дейдилар.

У нафақат мислсиз даражада хасис, очкўз, суллоҳ балки ҳар томонлама жирканч бир кимса. Айний унинг жомашов кўрмаган оғир салласини “йиртиш олувчи салла” деб таъриф этиши, соч олдира туриб, саргарошнинг таклифига қарамай, “Бошнинг кирини тозалатишга фурсатим йўқ” деб банка ходимларининг чой ичиш вақтига етиб бориш учун шошилиши, соч олдиргани учун эса пул бермай, “Маидам йўқ, яна соч олдирганда иккисини бир қўшиб бераман” дея югуриб кетишини у шундай тасвирлайдики, китобхон асар қаҳрамони билан илк учрашувданоқ унга нисбатан нафрат ҳиссини туяди. Воқеалар ривожланиши билан ёзувчи ҳаётий мушоҳадалари асосида Қори Ишкамба характерининг ана шундай жирканч томонларини изчил равишда очиб кучайтириб беради. Китобхон қаҳрамон образини бадий мужассамлаштириш учун асарга жалб этилган воқеалар ва тафсиллар силсиласи билан таниша борар экан, адибнинг кузатувчанлик истеъдодидан ҳайратга тушади ҳамда унинг буюк истеъдодига тан беради.

“Азиз сиймо” номли китоб-расмни кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

1. Устод Айний мероси

Бу бўлимда Садриддин Айнийнинг хикоя, қисса, роман жанрида битилган асарлари жойлаштирилади.

2. Айний абадияти

Ушбу бўлимга рассомларнинг Садриддин Айний асарларининг қахрамонларини акс эттирган расмлари намойиш этилади.

Адабиётлар

Айний Садриддин. Асарлар. 8-томлик. Т.1-8 /Тўпловчи М.Ҳасанов. -Т.: Ўзадабийнашр, 1963-1964-1965.-1966-1967-

Т.1. /Тўпловчи М. Ҳасанов.-356 б.- 4 в. портр.

Т.2. Дохунда. Роман.- 1964.-454 б.

Т.3. Қуллар. Роман /Тўпловчи М.Ҳасанов. -1964.-471 б.

Т.4. Повестлар.-1965.-431 б.

Т.5. Эсдаликлар: I-II қисм.-1965.-311 б.

Т.6. Эсдаликлар: III қисм.-1965.-239 б.

Т.7. Эсдаликлар: V қисм.-1966.-311 б.

Т.8. Мақолалар /Мухаррирлар: А.Рустамов, Р.Комилов.-1967.-419 б.

Айний Садриддин. Дохунда: Роман.-Т.: Ўздавнашр, 1956.-463 б.

Айний Садриддин. Етим: Повесть /Тарж. Ҳ.Ҳомидов.-Т.: Ёш гвардия, 1963.-135 б.

Айний Садриддин (1878-1954) //Маънавият юлдузлари.-Т.: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2001.-Б. 394-396.

Айний Садриддин. Муқанна исёни: Тарихий-адабий очерк /Тожиқ тилидан Х.Ҳомидов тарж.-Т.: Хазиана, 1994.-80 б.

Айний Садриддин. Судхўрнинг ўлими.-Т.: Ўқитувчи, 1982.-126 б.

Айний Садриддин. Танланган илмий асарлар /Редколлегия М.К.Нурмухамедов ва бошқ. Нашрга тайёрловчи Е. Исҳоқов.-Т.: Ўзбекистон, 1978.-335 б.

Айний Садриддин. Эски мактаб: Қиссалар: Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун /Тўпловчи М. Ҳасанов.-Т.: Юлдузча, 1988.-240 б.

Айний Садриддин. Қисқача таржимаи холим.-Т.: Ўзабадийнашр, 1960.-135 б.

Айний замондошлари хотирасида: Хотиралар. Мақолалар. Ҳикоялар. Шеърлар/ Тўпловчи М. Ҳасанов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.-224 б.

Айний //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд А-Бешбалиқ /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000.-Б.162.

Воҳидов Р. Устод Айний сабоқлари: Адабий, ахлоқий-маънавий ўйлар.-Т.: Фан, 2004.-319 б.

Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди: Мактаб кўрғазмаси ва болалар кутубхонаси учун материаллар: (Альбом) /Тузувчи-муаллиф Маҳмуд Ҳасаний.-Т.: Ўқитувчи, 1994.-40 б.

Ҳасанов М. Айний чамани /Тақризчи С. Мамажонов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.-175 б.

Қўшжонов М. Айний бадииятининг эволюцияси.-Т.: Фан, 1988.-157 б.

* * *

Аҳмедов Ш. Садриддин Айний Аҳмад Дониш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти.-2004.-№2.-Б.46-48.

Валихўжаев Б. Устод Айний мероси //Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№5.-Б.13-18.

Долимов У. Истиклол фидойилари: Садриддин Айний //Соғлом авлод учун.-2005.-№7.-Б.36-40.

Иброҳим Ҳаққул. Айний абадияти //Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№5.-Б.4-12.

Каримов Н. Садриддин Айний ва Бальзак //Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№5.-Б.21-26.

Мирзаев Т. Садриддин Айний ижодини ўрганишнинг айрим масалаларига доир //Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№5.-Б.3-4.

Неъматов Ш. “Қиз бола ёки Холида” интеграллашган дарслик намунаси //Халқ таълими.-2006.-№1.-Б.107-111.

Орзибекова Р. Садриддин Айний ва XIX аср ўзбек адабиёти //Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№5.-Б.26-29.

Саматов Х.С. Садриддин Айний //Иқтисодиёт ва таълим.-2004.-№4.-Б.163-164.

Сафаров О. Айнийнинг “Базм” ғазали хусусида //Ўзбек тили ва адабиёти.-2005.-№ 6.-Б.-8-14.

Собиров А. Айний асарларида майдон назариясидан фойдаланиш //Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№5.-Б.29-32.

Худойкулов М. Ҳажвнинг ҳаётбахш руҳи //Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№3.-Б.19-25.

Хайитметов А. Забардаст Навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти.-2003.-№5.-Б.18-21.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 20 май

Бичими 60x84 ¹/₁₆

Ҳажми 2.5 б. т. Нусхаси 300

Буюртма № 51

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 33.